

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
Ҳ У К М

2023 йил март ойининг 30 куни, жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар суди, ўз биносида очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья Ш.Юлдашев, судья ёрдамчиси У.Халикуловнинг котиблигида, давлат айбловчиси Термиз шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Э.Нуриддинов, судланувчи О. ва унинг ҳимоячиси адвокат А.Султановнинг иштирокида Мга нисбатан 1-1901-2303/118-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

И ш ҳ у ж ж а т л а р и г а к ў р а ,

Мi), 2002 йил 1 июль куни Термиз шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, судланмаган, оилали, Термиз шаҳар, Дўстлик маҳалласи, Ат-Термизий кўчаси, 5-уйда яшайди, иш юзасидан унга нисбатан муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулоса нусхасини ўз вақтида олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши материалларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, тарафларнинг музокара нутқларини ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

О., 2022 йил 19 ноябрь куни соат тахминан 01-30 ларда ўзи билан бирга таркибида фаол гиёҳвандлик моддаси тетрагидроканнабинол мавжуд бўлган, гиёҳванд воситалар турига кирувчи “гашиш” гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилиш мақсадида олиб юриб, уни курткасининг ички чўнтагига сақлаб, Термиз шаҳар, Тупроққўрғон маҳалласи, Ат-Термизий кўчаси ҳудудида сайр қилиб юрган вақтида шу атрофда тунги хизматга жалб қилинган вилоят ИИБ ЖХХ ППХ ва Термиз шаҳар ИИБ ЖҚБ ходимлари томондан тўхтатилиб, эғнидаги курткасининг ички чўнтагида оқ целлофан бўлакчасига ўралган 1 (бир)



дона ўткир ҳидли, қорамтир малла рангда бўлган гашиш гиёҳвандлик моддасига ўхшаш модда аниқланиб, процессуал тартибда расмийлаштириб олинган.

Сурхондарё вилоят ИИБ ЭКБнинг 2022 йил 19 ноябрдаги 381-сонли суд-кимёвий экспертиза хулосасига кўра, фуқаро О.Мамадалиевдан олинган қорамтир малла рангли, ўзига хос ҳидли қўл билан ушлаб кўрилганда пластилинсимон модда таркибида фаол гиёҳвандлик модда тетрагидроканнабинол мавжуд бўлиб, гиёҳванд воситалар турига кирувчи “гашиш” гиёҳвандлик воситаси эканлиги ва оғирлиги 5,25 (беш бутун юздан йигирма беш) грамм эканлиги аниқланган.

Вилоят суд-наркологик экспертизасининг 2023 йил 10 февралдаги 31-сонли хулосасига кўра, фуқаро Мамадалиев Отабек Бегамали ўғли наркомания билан касалланган бўлсада, касаллиги ривожланмаганлиги сабабли унга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўллаб бўлмаслиги аниқланган.

Суд мажлисида судланувчи О. айбига тўлиқ иқроп бўлиб қуйидагиларни, 2022 йил 19 ноябрь куни соат тахминан 23-00 ларда Термиз шаҳридаги “Эски Карпов” худуди бўйлаб Ю исмли дўсти билан айланиб юрганини, шунда ИИБ ходимлари келиб уларни тўхтатиб кийимларини чўнтақларини текшира бошлаганини, у ўзи билан истеъмол қилиши учун чарс (гашиш) гиёҳвандлик моддасини олиб юрганини, ИИБ ходимларига ёнида бўлган гашиш гиёҳвандлик моддасини ихтиёрий равишда топширганини, ушбу гашиш гиёҳвандлик моддасидан илгари бир қисмини истеъмол қилганини, у гиёҳвандлик воситасини сотиш учун эмас, балки истеъмол қилиш учун Х исмли шахсдан 7 грамм чарс (гашиш) гиёҳвандлик моддасини 2022 йил 25 сентябрь куни 2.000.000 сўмга сотиб олганини, у бир марта гашиш гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилганидан кейин унга мазаси ёқмаганини, шундан кейин қолган гашиш гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилмаганини, қолган гашиш гиёҳвандлик моддаси чўнтагида қолиб кетганини, ҳозирги кунда қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, уни оилавий шароитини инобатга олиб, енгиллик беришни сўради.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган А ўз кўрсатувида қуйидагиларни, 2022 йил 19 ноябрь куни таниши М билан кечқурун тахминан соат 23-45 ларда 10-мактаб атрофида сайр қилиб юрган вақтида олдиға бир гуруҳ ИИБ ходимлари келганини, шунда ИИБ



ходимлари уларни текшириб кўраётганида шериги О тўсатдан қочиб кетганини, шунда ИИБ ходимлари уни кийим-кечакларини кўздан кечирганини, кейин уни автомашинага ўтирғизиш шаҳар ИИБга олиб келганини, бироздан кейин Мни ҳам ИИБ биносига олиб келганини, ИИБ ходими ундан тушунтириш хати олганини, у тушунтириш хати ёзиб бўлганидан кейин уйга кетганини, Они чўнтагидан гиёҳвандлик моддаси борлигини кейинчалик билганини, ИИБ ходимлари уларни текшириш учун тўхтатган вақтида Онинг ёнида гиёҳвандлик моддаси борлигини билмаганини, у гиёҳвандлик моддаси истеъмол қилмаслигини баён қилди.

Судланувчи О. нинг жиноят содир этганликда айби, суд мажлисида ўзининг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб кўрсатув берганидан ташқари, гувоҳ Анинг суд мажлисидаги кўрсатуви, далилий ашё тариқасида олиб қўйиш ва кўздан кечириш ҳақида баённома ва фотожадвал, судга оид кимёвий экспертиза хулосаси, гиёҳванд воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларни қабул қилиш-топшириш ҳақида баённома ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан тасдиғини топди.

Суд, судланувчи О. нинг ҳаракати дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай кўп миқдорда, қонунга хилоф равишда сақлашда ифодаланган жиноят аломати билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузатилиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланиши кераклиги;

Жиноят кодексининг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

Ушбу Кодекснинг 42-моддасида, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жинсий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши;

Жиноят кодексининг 54-моддаси 2-қисмида, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва



миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши лозимлиги қайд қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1-бандида “судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик инсонпарварлик одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратишлари лозим”лиги, 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи Ога нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленум қарорининг юқоридаги талабларидан келиб чиқиб, айбига иқрорлик билдириб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, шахсини, оилавий шароитини, муқаддам судланмаганлигини енгиллаштирувчи ҳолат деб, жиноятни қасддан содир этганини оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисоблаб, унга нисбатан айбланаётган модда санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазосини тайинлашни лозим топади.

Шунингдек, суд судланувчи О. га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48<sup>1</sup>-моддасида кўрсатилган мажбуриятларни юклатилишини ва унга ЖКнинг 48<sup>1</sup>-моддасида кўрсатилган оқибатлари тушунтирилишини лозим деб ҳисоблайди.

Сурхондарё вилоят наркология диспансерининг 2023 йил 10 февралдаги 31-сонли далолатномасига асосан О. мажбурий тиббий даволанишга муҳтож эмаслигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасини қўлламасликни;

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг ашёвий далил деб эътироф этилган 00200-сонли патта орқали ДХХ Сурхондарё вилоят бошқармаси хўжалик бўлимига топширилган жами 5,18 грамм бўлган “гашиш” гиёҳвандлик воситасини йўқ қилишни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473-моддалари талабларига риоя қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И :



М Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Мга Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан 3 йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

О. сутканинг муайян вақтида яъни, соат 22:00 дан 07:00гача бўлган вақт оралиғида яшаш уйи яъни Термиз шаҳар, Дўстлик маҳалласи, Ат-Термизий кўчаси, 5-уйдан чиқиши чеклансин.

О. зиммасига қуйидаги қўшимча тақиқлар (чеклашлар) юклансин.

- Сурхондарё вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик;

- назорат қилувчи органнинг (ички ишлар органлари Пробация бўлимининг) розилигисиз яшаш ва иш жойларини ўзгартирмаслик мажбурияти юклансин.

Озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ижро этиш Термиз шаҳар ИИБ Пробация гуруҳи томонидан амалга оширилсин.

О. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48<sup>1</sup>-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ, агар озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жинойи қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган, суд маҳқумга нисбатан илгари тайинланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкинлиги, ЖКнинг 48<sup>1</sup>-моддаси олтинчи қисмига мувофиқ, озодликдан чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни (чекловларни) бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазога алмаштирилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилсин.

О. га нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг ашёвий далил деб эътироф этилган 00200-сонли патта орқали ДХХ Сурхондарё вилоят бошқармаси хўжалик бўлимига топширилган жами 5,18 грамм бўлган “гашиш” гиёҳвандлик воситаси йўқ қилинсин;

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан 20 (йигирма) сутка ичида, судланувчига ҳукмнинг нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида Сурхондарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят бериши ёки прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи

Ш.Юлдашев

